

## Умра - 2022: Нархлар, навбатлар, учиш вақтлари ва вакциналар



17:06 / 15.01.2022 10916

Шу йил 5 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари Саудия Арабистонидаги “Abu Sarhad” ҳамкор ширкати билан “Умра - 2022” мавсумини амалга ошириш бўйича шартнома тузганлари ҳақида хабар берган эдик.

Шундан сўнг, ҳудудларда пандемиядан олдин навбатда турган фуқаролар рўйхатларини шакллантириш, авиақатнов жадвалларини ишлаб чиқиш, қўшимча тўловларни амалга ошириш ва зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди.

Айни кунларда, Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ОАВ вакиллари ва мўмин-мусулмонлардан умра зиёрати бўйича жуда кўп саволлар бўлмоқда.

Ушбу саволларга қуйидаги жавобларни тақдим этамиз:

### **Умра сафари қачондан бошланади?**

– Аллоҳ насиб этса, 2022 йил 22 январь куни биринчи рейсни Саудия Арабистонига учуришга тайёргарлик кўрилмақда. Шундан сўнг 25, 28 январь кунлари ҳам навбатдаги рейслар амалга оширилади. Келгусида муборак сафарга рейсларни сезиларли даражада ошириб борилади, инша Аллоҳ.

### **Бошланаётган умра сафарига қачон рўйхатга ёзилган фуқаролар жўнатилади?**

– Жорий умра мавсумида биринчи навбатда пандемиядан олдин, яъни 2020 йил февраль ойи охирига қадар умра зиёрати учун тўловларни амалга ошириб, сафарга бора олмаган фуқаролар юборилади.

### **Умра тўлови қанча этиб белгиланди?**

Қайд этганимиздек, пандемиядан олдин, яъни 2020 йил февраль ойига қадар умра зиёрати учун охириги белгиланган тўловларни амалга оширганлар қўшимча равишда 4.770.000 сўм маблағ тўлайдилар. Ушбу қўшимча тўловни белгилашда, меҳмонхоналарда зиёратчиларнинг хоналарга, автобусларда ўриндиқларга жойлаштиришда оралиқ масофа ҳисобига 50 фоизгача қисқартирилиш, озик-овқат маҳсулотларини қадоқланган ҳолда тарқатиш, ўрнатилган бошқа карантин тартиб-қоидаларни таъминлаш, 15 фоиз Саудия ҚҚС солиғи каби сарф-харажатлар ҳам ҳисобга олинган. Шунингдек, Макка ва Мадина шаҳарларида энг замонавий меҳмонхоналар зиёратчиларимизга хизмат қилади.

Демак, бундан олдинги нарх 13 млн сўм атрофида бўлгани инobatга олинса, янги нарх 17,8 млн сўм эканини тахмин қилиш мумкин.

Мазкур тўловларни амалга оширишда зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида, “Алоқабанк” АТнинг барча филиалларида ҳар куни, ҳатто шанба ва якшанба кунлари ҳам қабул қилинади.

Эслатиб ўтамиз, бундан олдинги нарх 13 млн сўм атрофида бўлгани инobatга олинса, янги нарх 17,8 млн сўм эканини тахмин қилиш мумкин.

### **Зиёратчилар учун қайси вакцина билан эмланиш талаб этилади?**

– Умра сафарига борувчи фуқаро “COVID-19”га қарши “Astra-Zeneca”, “Moderna”, “Pfizer” ёки “Jonson & Jonson” вакциналари билан тўлиқ эмланиб, сертификатга эга бўлиши лозим. Талаб қилинган вакциналарни эмас, балки “Спутник V” ва Ўзбекистон-Хитой каби вакциналар билан тўлиқ эмланган фуқаролар юқорида саналган вакциналариан бири билан 1 марта эмланиши кифоя қилади.

### **Саудия Арабистонида умра амалини адо этиш қилиш учун дастур орқали навбатга туриш тартиби қандай?**

– Ҳар бир зиёратчида смартфон (Самсунг, Айфон ёки бошқа турдаги сенсор) телефони бўлиши талаб этилади. Андроид телефон учун “PlayMarket” ва IOS мобиль қурилма учун “AppStore”дан “انل كوت” (“Tawakkalna”) ва “انرم تعا” – (“Eatmarna”) электрон дастурлари юклатилган бўлиши лозим. Мазкур дастурлар телефонда “геолокация” ва “интернет” ёқилгандагина ишлайди. Бу дастурлар зиёратчи Саудия Арабистони давлат чегарасидан ўтиб, Мадина шаҳрида тегишли маълумотлар билан тўлдирилгандан кейингина ишга тушади.

Зиёратчи Саудияга етиб бориши билан Саудия мобиль алоқа оператори сим картасини харид қилади ва интернет тўпламини ишга туширади. Сим картани аэропортда ёки Мадина шаҳридаги меҳмонхонада харид қилиш мумкин бўлади.

“Умра қилиш мобиль дастури” зиёратчига 1 мартагина умра амалини бажаришга ва фақат 5 маҳал намозга чиқишига рухсат бериши мумкин. Қайта умра қилиш учун “Tawakkalna” ва “Eatmarna” орқали сўровнома берилади. Тизим рухсат берган муддатда “Оиша она” – Танъийм масжидидан эҳромга кириб кейин яна умра амалини адо этиши мумкин.

### **Саудия Арабистонида қандай карантин талаблари ўрнатилган?**

– Саудия Арабистони ҳудудига умра зиёрати учун кираётган хорижлик фуқаро талаб этилган вакциналар билан эмланган бўлиб, бу тўғридаги сертификатга ва 48 соатлик ПЦР тестига эга бўлиши, зиёратчи ўзи билан 30 та тиббий ниқоб олиши (ҳар 4 соатда алмаштириш учун) ва Саудия Арабистонида доимий тиббий ниқобда юриши ва оралиқ масофага риоя қилиниши белгиланган. Таъкидлаш керакки, тиббий ниқоб тақмаганлик учун 300 АҚШ доллари миқдорида жарима белгилаган. Зиёратчилар умра сафари якунида она-Ватанга қайтишдан аввал ўз ҳисобларидан Макка шаҳридаги меҳмонхонада ПЦР тест топширишлари керак бўлади.

## **Умра сафари учун янги навбатлар қаерда ёзилади?**

– 18 ёшдан катта бўлган Ўзбекистон фуқароси умра сафарига бориш учун ўзи рўйхатда турган маҳалла фуқаролар йиғинига шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан чиқиб, умра сафари учун очилган махсус дафтарга рўйхатга ёзилади ва шу ҳақдаги маълумотномани олади. Ушбу дафтар бўйича навбати келган фуқарони МФЙ туман-шаҳарга тавсия беради. Сўнг ҳудуддаги поликлиникада тиббий кўрикдан ўтади. Натижалар яхши чиқса, умра учун белгиланган тўлов суммасини тўлайди. Шунингдек, хорижга чиқиш паспорти, тиббий кўрикдан ўтгани, вакцина олгани тўғрисидаги маълумот ва сертификат ва тўлов қоғозининг нусхасини тақдим қилади.

## **Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати**